

Парҳезкорлик



07:10 / 27.09.2019 2326

Ибн Абу Ғунядан ривоят қилинади: «Бир шайх менга бувисининг қуйидаги сўзларини ҳикоя қилиб берди: «Хизматкоримиз олов ёқиб олиш учун Толҳа ибн Мусаррифнинг уйига кирди. Толҳа намоз ўқийдиган эди. У жуда фақир ҳаёт кечирар, ҳатто гўшт қовурадиган идиши ҳам йўқ эди. Толҳанинг аёли олов ёқиб олиш учун кирган хизматкордан: «Эй фалончи, шу ерда бирпас кутиб турсангиз, Абу Муҳаммадга идишингизда қуритилган гўшт қовуриб берсам, ифторлик қилиб олса», деб илтимос қилди. Хизматкор рози бўлиб, Толҳанинг хотини гўштни қовуриб олгунича кутиб ўтирди. Толҳа намозни тугатгач, хотинига қараб: «Нима қилиб қўйдинг? Токи бу хизматкорнинг хўжайини олдига бориб, уни ушлаб қолганинг ва идишида гўшт қовуриб олганинг учун розилик сўрамагунингча, овқат емайман», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан